



Xabarlar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2003 yil, 17 yanvar № 3 (540)

Sotuvda narxi erkin

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ватан ҳимоячилари куни" муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи ҳамда Божхона қўмиталари, "Ватанпарвар" ташкилоти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Ушбу мукофотланганлар орасида алоқа ходимлари ҳам бор.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридagi Давлат фельдъегерлик хизматининг катта офицери **Ильсхон Ашрапович ҲАСАНОВ** "МЕХНАТ ШУҲРАТИ" ордени билан, Агентлик ҳузуридagi Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари **Павел Семёнович СКЛЯРЕВСКИЙ** "ШУҲРАТ" медали билан, Агентлик ҳузуридagi Давлат фельдъегерлик хизмати Фарғона вилояти бўлинмаси бошлиғи **Мухаммадмин Тошпўлатович МАТҒОЗИЕВ** Ўзбекистон Республикасининг "ФАХРИЙ ЁРЛИГИ" билан мукофотланди.

Шунингдек, "Ватан ҳимоячилари куни" муносабати билан алоқа соҳасидаги меҳнатда эришган юқори кўрсаткичлари ва фидокорона меҳнатлари учун бир гуруҳ алоқа ходимлари муносиб тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Агентлик Бош директорининг буйруғига кўра, Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Ёдгор Кежаевич ИҶДОШЕВ**, Махсус авария-тиклаш бошқармаси Молия-иқтисодий бўлими етакчи ҳисобчиси **Ольга Александров-**

на МИКЕРОВА, Давлат фельдъегерлик хизмати фельдлоқа катта зобити **Қахрамон Ҳакимович ЗАРИПОВ**, Давлат фельдъегерлик хизмати фельдлоқа катта зобити **Станислав Леонардович МОРЕНО**, Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Ҳарбий" кафедраси бошлиғи **Абдуқодир Тулаганович АБДУЖАМИЛОВ**лар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "ФАХРИЙ ЁРЛИГИ" билан, Махсус авария-тиклаш бошқармаси Ташкилий сафарбарлик бўлими бошлиғи **Андрей Николаевич МАРИН**, Махсус авария-тиклаш бошқармаси Ўта муҳим объектиларни қўриқлаш алоҳида бўлинмасининг команда бошлиғи **Хусанбой ҚАҲҲОРОВ**, Давлат фельдъегерлик хизмати катта инспектори **Абдумурот Валисвич МУСАХУЖАЕВ**, Давлат фельдъегерлик хизмати фельдлоқа катта зобити **Андрей Анатольевич БАТУРИН**, Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Ҳарбий" кафедраси катта ўқитувчиси **Абдумотал Абдикаримович АБДИГАПИРОВ**лар "ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ" белгиси билан тақдирланди.

Мукофотлар муборак бўлсин, азизлар!

МУНОСИБ КУТИБ ОЛДИ

Юртимизда «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан ҳарбий ватанпарварлик ойлиги кенг кўламли ўтказилди. Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Ҳарбий" кафедраси ҳам бу кунни муносиб кутиб олди.

Кафедрада талабаларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгда миллий истиқлол гоҳи, она-Ватан ва Президентимизга садоқат руҳини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди.

Талабалар маэзур кафедрада таълим олишлари учун қатор синовлардан муваффақиятли ўтишлари зарур. Танлов мезонлари талабаларнинг соғлиғи, билими ҳамда жамоний тайёргарлигига асосланди.

Кафедра талабалари ўқиб давомидида саф тайёргарлиғи, Ўзбекистон Куролли Кучлари низомлари, ҳарбий топография, умумий тактика фанлари билан бир

қаторда замонавий ҳарбий алоқа техникаси билан ҳам яқиндан ишлашни мукамал ўрганиб борадилар. Талабаларнинг кафедрадagi фаолияти ҳарбий қисмларда бўлиб ўтадиган ўқув йиғинлари билан яқунланади. Бунда талабалар ҳақиқий ҳарбий хизмат машаққатларини ўзларида синаб кўрадилар ва таълим жараёнида олган назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлайдилар.

"Ҳарбий" кафедра офицер-ўқитувчилари ва талабалари ҳар қандай ҳолатда Ўзбекистон мустақиллигини ҳимоя қилиш, тинчлик, барқарорлик ва мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини таъминлашга шай бўлиб туриш учун ўз касбий билимларини доимо такомиллаштиришга, ҳарбий ўқувда янги марраларни забт этишга, ўқув гуруҳларида тартиб-интизомни мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар.

А.АБДУЖАМИЛОВ, ТАТУ "Ҳарбий" кафедраси бошлиғи

14 январь — "Ватан ҳимоячилари куни" мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди. Жумладан, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисми)да ҳам тантанали байрам тадбири ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Агентлик Бош директори **А.АРИПОВ**, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси **Д.Ғуломова**, Агентлик Бош директорининг ўринбосари **Ш.Обидхўжаев**, Бошқарма бошлиғи, полковник **Д.Гольдман**, "Куёшли" маҳалласи фаоллари ва фахрийлари, ҳарбий қисм офицер ва аскарлари, ота-оналар ҳамда бошқа меҳмонлар иштирок этди.

Бундан 11 йил муқаддам энг замонавий талаб ва андозларга жавоб бера оладиган Куролли Кучларимиз ташкил топди. Айни дамда мамлакатимиз Куролли Кучла-

Бошқарма ҳарбий қисмида аскар ва зобитлар учун барча шароитлар яратилган. Етоқхона, спорт заллари, ошхона, тиббий кўрикдан ўтиш, енгил жарроҳлик ўтказиш ва



ри Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини мустаҳкам ҳимоя қилиб келмоқда.

Ўтган қисқа давр мобайнида армиямизда улкан ўзгаришлар содир бўлди. Замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган, бутунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатдан ихчам ва ҳаракатчан Куролли Кучларни вужудга келтиришга ҳаракат қилинмоқда. Ушбу тезкор ва ишончли армиямиз сафида алоқачи ҳарбийларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Барча талабаларга жавоб бериш учун, аввало кўшин таркибида замонавий алоқа қурилма ва техникасига эга алоқачилар зарур.

Бугунги кунда Махсус авария-тиклаш бошқармаси ҳарбий қисмида 150 га яқин оддий, 44 нафар шартнома асосидagi аскарлар хизмат қилмоқда. Уларга алоқа ва ҳарбий тайёргарлик бўйича 35 нафар офицер билим бериб келмоқда. Шунингдек, Бошқарманнинг 1500 дан ортиқ ходимлари республикамиз алоқа корхоналарининг қўриқлаш бўлиmlарида меҳнат қилади.

Ўтган йиллар давомида 15361-ҳарбий қисм томонидан жуда катта ҳажмдаги алоқа объекти қурилди, минтақада авария-тиклаш ишлари бажарилди. Бошқарма шашхий таркиби Тошкент-Москва, Олмаота-Тошкент-Душанбе, Тошкент-Ашхобод, Қўқон-Наманган-Фарғона ва бошқа кўптаб кабел магистраллари, республика алоқа қурилми корхоналари билан ҳамкорликда ТАЕ-ВОЛС кабел магистралли, РРЛ-Ҳиндистон йирик Радиоузағиш маркази қурилишларида қатнашди.

MARDLAR QO'RIG'LAYDI VATANNI

цер Ж.Қосимовларнинг хизматлари катта бўлди.

Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам тадбирида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Агентлик Бош директори **А.Арипов** сўзга чиқиб, йиғилганларни ушбу тантана билан қизғин табриклади. Шунингдек, "Ватан ҳимоячилари куни" ва Куролли Кучларимизнинг 11 йиллиги муносабати билан Ҳукуматимиз ва Агентликнинг мукофот ҳамда "Фахрий ёрлик"лари билан тақдирланган бир гуруҳ алоқачиларни мукофотлаш маросими ўтказилди.

Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғи **Д.Гольдман** бир қатор офицерларни муздадан олдин ва ўз муддатда ҳарбий унвонлари оширилганини маълум қилди ва уларга янги унвон белгиларини топширди.

Тантана давомида "Куёшли" маҳалласи фаоллари ва фахрийлари, маҳалланинг ташкил топишида ўз хиссаларини қўшган фахрий алоқачиларга Бошқарманнинг совғасаломлари улашилди. Ўз навбатида маҳалла боғча болаларининг аскар акаларига тайёрлаб келган балдий чиқилиш иштирокчиларни хушнуд қилди.

Ҳарбий қисмда ўтказиладиган ҳар қандай тадбир "Куёшли" маҳалласи иштирокисиз ўтмайди. Маҳалла қўмитаси раиси **А.Султонсидов** Бошқарма билан ҳамкорликда кўптаб тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Президентимиз томонидан 2003 йилни "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши келгусида маҳалла ва ҳарбий қисм ўртасидagi ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига замин

ҲАРБИЙЛАР БАЙРАМ ҚИЛИШДИ

ний тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1990 йилдан бошлаб доимий равишда қисм аскарлари



томонидан саҳна асарлари намойиш қилиб келинмоқда. Ҳар бир байрам тантанасида янгидан-янги спектакллар саҳналаштирилади. Янги аскарлар клуби, кутубхона, маънавият хоналарида маданий ҳордиқ чиқариш учун барча имкониятлар маъжуд. Бундай шароитларнинг яратилишида Бошқарма бошлиғи, полковник **Д.Гольдманнинг** ташаббуси, Тарбиявий ишлар бўйича бўлим бошлиғи, полковник **Я.Фреймутс** ва Маданий ҳордиқ чиқариш бўйича катта офи-

яртади. Байрам кунини ташриф бузган ота-оналар фарзандларига яратилган шарт-шароитларни ўз кўзлари билан кўришди. Тадбир сўнггида ҳарбий қисм театр жамоаси томонидан **Абдулла Қодирийнинг** "Бахсиз куб" асари асосида саҳналаштирилган спектакл намойиш этилди.

Л.ТУРСУНОВ

Суратларни муаллиф олган

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Махсус факултети 2001-2002 ўқув йили якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг энг яхши олий ҳарбий ўқув маскани деб топилди. Махсус факултет жамоаси "Кўча кубок" ҳамда Мудофаа вазирлиги ҳарбий кенгашининг "Фаҳрий ёрлиғи", факултет бошлиғи, полковник Б.Раҳиммирзаев эса номи ёзилган қурол билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил, 12 февралдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил, 13 майдаги қарорига асосан ташкил топган ушбу факултет республикамиз Куроли Кучларига олий маълумотли алоқачи-офицерлар тайёрлаб беради. Факултет низомига биноан, биринчи ва иккинчи курс талабалари бошқа олий ўқув юртилари та-

Иккинчи курсни муваффақиятли тугатган, соғлиги ҳарбий хизматга лойиқ талабалар эса учинчи курсдан Махсус факултетнинг курсанти мақомига эришиб, тўлиқ давлат таъминотида бўладилар.

УНИВЕРСИТЕТНИНГ АЛОҚАЧИ-ОФИЦЕРЛАРИ

Хозирги кунда Махсус факултетда радио ва космик алоқа, радиореле, тропосфера ва узоқ масофали алоқа тизимлари ҳамда кўшинларнинг бошқарув тизимини автоматлаштириш муҳандислари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил, 12 августдаги қарорига биноан Хаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари учун радиотехник ва зенит ракетчилари, радиотехник разведка ва радиоэлектрон кураш бўйича кадрлар тайёрланади. Курсант ва талабаларга умумтаълим, умумтехник ва гуманитар фанлардан профессор-ўқитувчилар, замонавий ҳарбий билимлар ва ҳарбий техника сирасорларидан эса катта таҳрибага эга

бўлган ҳарбий офицер-ўқитувчилар таълим бермоқдалар. Сўнгги йилларда факултет алоқа мутахассисликлари бўйича ҳарбий магистрлар тайёрлашни режалаштирган. Шунингдек, истиқболда факултет худудини кенгайтириш, янги бинолар қуриш, ўқув марказини жиҳозлаш режалари кўзда тутилган. Булар албатта, ўргатилаётган фанлар йўналишини кенгайтириш, мутахассисликлар сони ва бўлажак офицерлар тайёргарлиги сифатини ошириш имконини беради.



лбалари сингари оддий талаба ҳисобланиб, stipendия ва ётоқхона билан таъминланади.

Махсус факултет ўн ёнда!

Ўқув-моддий базаси замонавий техника ва Интернет тизимига боғлана оладиган компютерлар билан жиҳозланиб, ўқув жараёнига янги дастур ва режалар киритилди. 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб давлат таълим стандартларига мос бўлган ҳарбий бакалаврлар тайёрлаш дастури ишлаб чиқишда ва шу йўналиш бўйича талабалар қабул қилинди.

Келажақда ҳарбий мутахассислар тайёрлаш ишларини узлуksиз оlib бoриш мақсадида Махсус факултет университeт профессор-ўқитувчилари ва моддий-техника базасига таянган ҳолда

алоқа мутахассисликлари бўйича ҳарбий магистрлар тайёрлашни режалаштирган. Шунингдек, истиқболда факултет худудини кенгайтириш, янги бинолар қуриш, ўқув марказини жиҳозлаш режалари кўзда тутилган. Булар албатта, ўргатилаётган фанлар йўналишини кенгайтириш, мутахассисликлар сони ва бўлажак офицерлар тайёргарлиги сифатини ошириш имконини беради.

Хозирги кунда Махсус факултетимиз битирувчилари Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларида ҳамда Ички ишлар вазирлиги, Чегара кўшинлари ва Миллий ҳавфсизлик хизмати бўлинмаларида хизмат қилишмоқда.

Шахсий таркиб жорий йилнинг 12 февралда нишонланадиган факултетнинг ўн йиллик юбилейига катта тайёргарлик кўрмоқда.

А.ТЯН,
Махсус факултет тарбиявий ишлар бўйича муовини,
Т.КЎЧҚОРОВ,
Махсус факултет ўқув ишлари бўйича муовини

МИЖОЗЛАР РАНЖИМАСИН

"Тошкент Телеком" филиалининг Келес телекоммуникациялар боғламаси пешкадам корхоналардан ҳисобланади.

Корхона бошлиғи Ғуломасиз АЗИМОВ жамоатчи муҳбиримизга корхонада олиб борилаётган ишлар ҳусусида сўзлаб берди.

— Корхонамизда тармокни янада ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини халқро андозалар даражасига етказиш масаласига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Шаҳримизда мавжуд АТСларни энг замонавий алоқа техникчалари ва технологиялари билан жиҳозлаш юзасидан кенг қўламдаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили туманимизда 3000 рақамли янги станция ишга тушди. Натижада шаҳарлараро ва халқро сўзлашувлар сифати яхшиланди. Туманимиз бўйича бугунги кунда алоқа хизмати кўрсатиш сифати жаҳон андозалари даражасига етганлиги қувонарли ҳол, албатта. Миҳозларимиз телефон тармоғидан тўридан-тўри республикамизнинг исталган манзилига ёки саноқли дақиқаларда хорижга чиқиш имкониятига эгадирлар.

ойлик даромадга нисбатан 0,8 фоизни ташкил этади.

Корхонамиз маъмурияти ишчи ва хизматчиларни иқтимоий муҳофаза қилишга биринчи галдаги вазифа деб қарамоқда. Кадрлар масаласи ҳам эътибордан четда қолгани йўқ, Иш суратини ошириш мақсадида жамоамизга маълумоти хизматлари жалб қилинмиш. Ўтган йили саккиз нафар ходимимиз малака ошириш курсларидан ўз билимларини мустаҳкамлаб келишди.

Мамлакатимизда компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш шароитида маълумотлар узатиш тизими ва Интернетни ривожлантириш долзарб масала бўлиб турибди. Корхонамизда иккита компютер ўрнатиш ва уни Интернетга улашни режалаштирилганмиш.

Корхонада шаҳар алоқа хизмати ҳажмини кенгайтириш билан бир пайтда алоқанинги юқори сифатлигини таъминлашга катта эътибор қаратишган. Бу борада телефонларнинг узлуksиз ва бенуқсон ишлаши устидан доимий назорат ўрнатилганлиги, алоқа кабелларида профилактик текширувлар ўтказилиб, аниқланган камчиликлар зудлик билан бартараф этилаётганлиги, эскирганларни ўз вақтида алмаштириб борилаётганлиги ижобий самара бермоқда.

Хуллас, миҳозларга намуналий телефон алоқа хизмати кўрсатиш йўлида барча имкониятларини миҳозларимиз ишга солганмиш. Ўтган йили амалга оширган хайри ишларимизни жорий йилда давом эттириш ниятимиз бор. Миҳозлар кўрсатаётган хизматимиздан норози бўлмасликлари керак. Барча саяҳат-харакатларимизни шунга қаратмоқчимиз.

Ш.ИСМОИЛОВ ёзиб олди

СПАРТАКИАДА ЎТКАЗИЛДИ

"Ватан ҳимоячилари кун" муносабати билан Тошкент ахборот технологиялари университетида бир қатор спорт турлари бўйича ўтказилган спартакиада муваффақиятли якунланди. Унда талабалар билан бирга мураббийлар ҳам қатнашди.

кўрсатди. Мазкур факултет жамоаси мини-футбол бўйича иккинчи ўринни кўлга киритди.

Махсус факултет жамоаси волейбол мусобақалари бўйича ўз устунлигини намойиш этиб, биринчи ўринни олишга мурассар бўлди. Спартакиада Радиоалоқа, радиоэшиштириш ва телевидение факултети жамоаси ҳам яхши натижа кўрсатди. Жамоа мини-футбол мусобақасида иккинчи, волейболда эса учинчи ўринга сазовор бўлди.

И.КОШБАХТИЕВ,
Университет "Жисмоний тарбия ва спорт" кафедраси мудири

Ўз саҳифаларида корхона, ташкилот ҳамда хусусий фирмалар фаолиятига оид эълон ва рекламаларни, шунингдек, турли кун, ниҳоз тўли муносабати билан тафриқ-қутловларни, олдистодига оид турли хил хусусий эълонларни чоп этишини маълум қилади.

Бизнинг маънавийимиз: Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй. Тошкент Бош почтамини, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги биноси, 4-қават, 401на 402- хоналар. Мурожат учун телефонлар: 144-29-09, 136-36-42, 136-35-29.

ОБЪЯВЛЕНИЕ!

Ресторану "Генацвале" требуются музыканты.

Тел: 137-06-44.

МАРКЕТИНГ ТАДҚИКОТИ ҚУЛАЙЛИК ЯРАТАДИ

"Хоразм Телеком" филиали ва телекоммуникация боғламаларида замонавий телефон станциялари қурилиши муносабати билан уларнинг сифими 98154 тага етказилди. Шундан 89018 та телефон миҳозларга берилган бўлиб, фойдаланиш коэффициенти 90,7 фоизни ташкил қилади.

— "Хоразм Телеком" филиалида телефон ўрнатиш бўйича анча қулайликлар яратилган, — дейди корхонанинги Маркетинг ва тариф бўлими бош мутахассиси Хайитғой Шарипов. — ҳар бир кўчадан 15-20 та арнза йиғиб келган миҳозга бепул телефон ўрнатиб бериш ёки телефони бўлса битта радиоприёмник совға қилиш йўлига қўйилган. Бундан ташқари кўнуга утадан телефон ўрнатган электромонтерлар мукофот ажратилган. Уйма-уй юриб, телефон ўрнатишга эҳтижи бўлган оилалар ўрганилмоқда. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида миҳозлар билан ишлаш бўлимлари, сўзлашув заллари барча зарур маълумотномалар билан таъминланди. Жорий йилнинг ўн ойи давомида вилоят бўйича 1071 та телефон ўтказилди. Қўшимча хизмат кўрсатиш самардорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш қондалари ёзилган кичик дафтарчалар абонентларга тақдим қилинган. Шу боис қўшимча хизмат туридан фойдаланувчи абор-

нентлар сони 9385 тага кўпайди ва олинган даромад салмоғи 6,4 миллион сўмга ошди. Иккита туман телекоммуникация боғламасида сўроновма ўтказилганда 80 фоз абонентлар телекоммуникация хизмати талаблар даражасида эканлигини билдирди.

Миҳозлар телекоммуникация қонун-қондалари, маълумотлар, та-

рифлар бўйича ахборотлар билан узлуksиз таъминланмоқда. ЈВРС-2 лойиҳаси бўйича ҳам 2003 йил учун маркетинг тадқиқотлари бошлаб юборилган. Ҳар бир қишлоқ ва туман марказлари худудларида телефон ўтказишга эҳтижи бўлган миҳозлар аниқланиб, 450 сонилик кичик АТСлар ўрнатиш ишлари олиб борилмақда.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,
Хоразм вилояти
Суратла: (Ўндан) "Хоразм Телеком" филиали Маркетинг ва тариф бўлими бош мутахассиси Хайитғой ШАРИПОВ ва иккитасоци Бахтиёр ҚУТЛИЕВлар.

ЭЪЛОН!

"Тошкент таксофони" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жорий йил, 12 феврал, соат 10⁰⁰ да А.Темур кўчаси, 24-уй "Ўзбектелеком" АК биносида бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ:

"Тошкент таксофони" АЖнинг таксофон сети йўналишлари ривожланиши ва Устав ҳамда устав жамгармасига айрим ўзгартиришлар киритиш масалалари.

«Тошкент Телеком» филиали жамоаси корхонанинги Бекобод телекоммуникациялар боғламаси собиқ бошлиғи

Комилжон АҲМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Тошкент ахборот технологиялари университетини жамоаси университетини РРТ факултетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича декан муовини Ш.Худойберганавага акиси

Қодир ХУДОЙБЕРГАНОВнинг вафоти муносабати билан чукўр ҳамлардиқ билдиради.



газетаси

Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида Хитой, Жанубий Корея, Россия ва Исроил давлатлари билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхоналар мамлакатимиз иқтисодига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса, улар орасида "Андижонкабел" Узбекистон-Россия қўшма корхонаси алоҳида ўрин тутди. 35 гектар ҳудудни эгаллаган бу заводда республикамизнинг муҳим тармоқларидан бири — телекоммуникация тизими учун маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Мазкур завод қурилиши 1982 йил, феврал ойидан бошланган. 1985 йили заводда дастлабки маҳсулотлар чиқарилди. Бу маҳсулотлардан сир, сарик мис ҳамда никел симлар анча харидоргир бўлган. Бир сўз

GmbH ва UDAW (Германия), Maillefer SA (Швейцария) каби чет эл фирмаларининг энг замонавий технологиялари билан жиҳозланди. Маҳсулот сифатини назорат қилиш учун янги ўлчов қурилмалари ўрнатилди. Сифат усти-

Hamkorlik ufqlari

корлик қилиш ҳамда маҳсулотларини МДХ давлатларига олиб чиқиши учун катта аҳамият касб этди.

— Заводимизда минг нафардан ортиқ хонободлик ёшлар меҳнат қилмоқда, — дейди қўшма корхона бош директорининг сифат бўйича ўринбосари С.Миножоб. — Иш унумдорлиги юқори бўлгани боис ишчиларимиз ўртача 50 минг микдорда маош олмамоқда.

Мутахассисларимиз кабел-

"АНДИЖОНКАБЕЛ" — ДУНЁ БОЗОРИГА ЙЎЛ

сим ишлаб чиқариш бўйича катта тажрибага эга. Уларнинг аксарияти Россия кабел заводларида ўз малакаларини ошириб қайтган. Умуман, корхонамизда ўқув ишлари доимий равишда олиб борилади. Маҳсулотларимиз асосан республикамиздаги мавжуд хом ашёдан тайёрланади. Масалан, мисни Олмалик тоғ-металлургия комбинати етказиб беради. Бу ерда ишлаб чиқарилган мис ўзининг сифати бўйича жаҳоннинг бешлигидан ўрин олган. Пластикат, полиэтилен, бўёқ ва бошқа маҳсулотлар Франция, Германия

дан назорат, техникавий ишлаб чиқариш жараёнида қўйилган юқори талаб, улкан тажрибага асосланган иш бошқаруви жаҳон андозаларига мос кабел тайёр-

ламиз асосан республикамиздаги мавжуд хом ашёдан тайёрланади. Масалан, мисни Олмалик тоғ-металлургия комбинати етказиб беради. Бу ерда ишлаб чиқарилган мис ўзининг сифати бўйича жаҳоннинг бешлигидан ўрин олган. Пластикат, полиэтилен, бўёқ ва бошқа маҳсулотлар Франция, Германия ҳамда Испаниядан келтирилади.

Кабелларимизга сув ўтказмайдиган махсус модда қўшамиз. Бу унинг фойдаланиш мuddатини, муҳофазасини бир неча йилга узайтиради. Демак, истеъмолчилар иқтисоди тежалади. Шунинг учун маҳсулотларимизга қизиқиш кучли, харидорларимиз 39. Келажакдаги режаларимиз эса иш-

лашда муҳим омил бўлди.

Айни дамда "Андижонкабел" АЖ ҚҚ маҳсулотлари номенклатураси 374 маркадаги кабел ва симлардан иборат. Завод мижоз бюртмаси асосида ҳам ҳар қандай ўлчовдаги кабелни тайёрлай беради. Бугунги кунда завод маҳсулотларига МДХ давлатларида талаб ошиб боргани ҳолда халқаро кўргазмаларда ҳам юқори баҳо берилмоқда. Жумладан, 2002 йилнинг май ойида Россияда алоқа тизими, телекоммуникация, компютер ва ортехника воситаларига бағишланган "Связь-Экспоком — 2002" 14-халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. 34 мамлакатдан 800 га яқин вакиллар иштирок этган бу кўргазмада "Андижонкабел" илк бор қатнашди. Унда қатнашишдан асосий мақсад Россия истеъмолчиларини янги кабел корхонасининг маҳсулотлари билан таништириш эди. Кўргазма давомида қўшма корхона маҳсулотларини теле-

коммуникация соҳасига тааллуқли фирма ва ташкилотларнинг минглаб вакиллари томоша қилди. Корхона менежерлари завод, ишлаб чиқариш жараёни, кабел ва симларнинг сифати, уларнинг нархи тўғрисида батафсил сўзлаб бердилар. Кўргазма якунида "Андижонкабел" қўшма корхонасига энг яхши кўргазма деворини ташкил қилгани учун "Фахрий ёрлик" топширилди. Шунингдек, қўшма корхона 2002 йилнинг октябр ойида Москвада ўтказилган "KABEX — 2002" халқаро кўргазмасида қатнашди. Кўргазма иштирокчиларида корхона маҳсулотлари катта қизиқиш уйғотди. Россиянинг қўллаб "электралоқа" ва бошқа корхоналари, МДХ давлатларида ишлаб чиқариш маҳсулотларига бюртмалар тўшди. Мазкур кўргазма 40 дан ортиқ кабел заводлари ва қатнашчиларнинг яқин алоқада бўлиши, узаро ҳам-

лаб чиқаришни кенгайтириб, экспорт эвазига валюта тушумини кўпайтириш, ишчиларимиз молиявий аҳолини бунданда яхшилаш, сифатга янада эътибор қаратиб, нафақат МДХ, балки Европа ишончини қозонишдир. Бир сўз билан айтганда, "Андижонкабел" — сифат белгиси" номига эришиб, кабел ишлаб чиқариш дунёсида ўз ўрнини эга бўлиши.



Халқаро кўргазмада "Андижонкабел" қўшма корхонасига энг яхши кўргазма деворини ташкил қилгани учун "Фахрий ёрлик" топширилди. Шунингдек, қўшма корхона 2002 йилнинг октябр ойида Москвада ўтказилган "KABEX — 2002" халқаро кўргазмасида қатнашди. Кўргазма иштирокчиларида корхона маҳсулотлари катта қизиқиш уйғотди. Россиянинг қўллаб "электралоқа" ва бошқа корхоналари, МДХ давлатларида ишлаб чиқариш маҳсулотларига бюртмалар тўшди. Мазкур кўргазма 40 дан ортиқ кабел заводлари ва қатнашчиларнинг яқин алоқада бўлиши, узаро ҳам-

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ, "Xabar" газетасининг махсус муҳбири



ЭРОНДА ИНТЕРНЕТ ЦЕНЗУРА ҚИЛИНАДИ

Эрон судининг Олий кенгашида Интернетни назорат қилувчи ва қондабузарларга нисбатан чора кўрувчи қўмита тузилди.

Қўмита аъзолари ўзларининг биринчи йиғилишида асосий эътиборни аввало электрон оммавий ахборот воситаларига қаратиш кераклигига қелишиб олишти. Кейинчалик навбат форс тилидаги махсус саҳифаларга келади.

Қонун ҳимоячилари сўнгги йилларда пайдо бўлаётган қўллаб сайтлар босма ОАВни

чоғ этишга лицензия ололмаган тижоридан ва сиёсий гуруҳлар томонидан яратилмоқда деб ҳисоблайди. Экспертларнинг фикрича, гоёвий ва тижорий сайтларнинг хўжайинлари матбуот қонунларини четлаб ўтган ҳолда ўз мақсадлари йўлида Интернетдан фойдаланишмоқда.

ВВС телекомпаниясининг хабар беришича, қўмитанинг келгусидаги режалари сайтларнинг маъно-мазмунини ҳамда расмийлаштирилиши тўғрисидаги қонун ва қондаларини тайёрлашдан иборат.



ОҚ УЙ ИСПАН ТИЛИДАГИ WEB-САЙТ ОЧАДИ

АҚШ ҳукумати яқин орада испан тилидаги махсус Web-сайтини очишга қарор қилди. Ассозиэтед Пресс ахборот агентлигининг маълум қилишича, сайтдан фойдаланувчилар сони 1,2 млн. атрофида бўлиб, уларни асосан ўрта бизнес вакиллари бўлиши испан тилида сўзлашувчи америкаликлар ташкил қилади. Сайтда ҳукумат қарорлари, шунингдек, иқтисодий,

молиявий ва илмий-техникавий ахборотлар доимий равишда эълон қилиниб боради.


АҚШ Савдо вазيري Доналд Эванснинг сўзларига кўра, испан тилида сўзлашувчи америкаликларнинг асосий қисми демократлар тарафдори экан. "Янги Интернет сайтининг очилиши Испан тили америкаликларнинг АҚШ президенти Жорж Буш олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлашларига туртки бўлади", дейди вазир.

Эслатиб ўтамиз, АҚШ ҳудудида испан тилида сўзлашувчилар сони қариб 39 млн.ни ташкил қилади.

РИГАДА МОБИЛ ТЕЛЕФОНЛАРНИ УЛОҚТИРИШАДИ

Агар Москва остонасидаги Краснознаменск шаҳри клавиатура улоқтириш бўйича чемпиони билан машҳур бўлиб улгурган бўлса, Латвия пойтахтида кўнгилик очишининг бундан ҳам осонроқ йўлини ўйлаб топшишди. Улар ўз уяли телефон аппаратларини улоқтирадиган бўлдилар.

Риганиннг марказида бўлиб ўтган мусобақада уч юздан ортиқ киши иштирок этди. Уларга изгирин киш хавоси ҳам халатли бер аолмади ва мусобақа муваффақиятли ўтказилди. Лекин турнир олдида қўйилган асосий мақсад удаланмай қолди. Гап шундаки, Рига чемпионати ташкилотчилари Украинада ўрнатил-



ган 82 метрлик жаҳон рекордини янгилашни режалаштирган. Бундай узоқликка ўз телефонини отиш эса бирор ригаликка насиб этмади.

— Бунинг сабаби совуқ ҳаво ва югуриш йўлакчасининг музлангани бўлди, — дея изоҳлади дунёнинг энг кучли найза улоқтирувчиларидан бири, Латвия рекордчиси Эрикс Парс. Айтганча, Парс ҳам, бошқа профессионал спортчилар ҳам мусобақада қатнашмади. Улар турнирға фақатгина ҳакам сифатида ташриф буюрдилар.

УРУША ҚАРШИ УРУШ!

Таниқли вирус уратувчи ва ҳакер "Понани пона билан уради" қондасига амал қилган ҳолда Ироққа қарши урушни тўхтатмоқчи. Агарда АҚШ Форс кўрғазига ҳарбий амалиётларни бошлаш дунё компютер вируслари ҳужумига учрайди. Владимир "Melhacker" Чамлкович Ироққа қарши ҳарбий ҳаракатлар бошланishi биланюқ Интернетта мисли қурилмаган вайрона келтирувчи кучга эга вирус қиритишини эълон қилди. Бу қуруқ гаплар эмас. Малайзияда истикомат қилувчи ушбу кибертеррорчи қўллаб шов-шувли вирусларнинг муаллифи ҳисобланади. Чамлковичнинг Россия ва Покистон хакерлари билан алоқаси яхшили-

ги айтилмоқда ва улар виртуал жангда Владимирға ёрдам беришлари мумкин.

23 ёшли "Osama bin Laden" вируси муаллифи ўз интервюсида: "Мен урушдан нафратланман, айниқса инсонлар ҳалок бўлганда!", дея таъкидлаган. Чамлкович хизматида "Ал-қоида" аъзоларининг ҳам фойдаланувчиси ҳақида маълумотлар мавжуд.

Internet xabarlari asosida U.YO' LDOSHEV VA LT.RUSUNOV-lar tayyorlashdi

Кексаликнинг таъсирими озроқ қон босимни кутарилиб ётиб қолдим. Духтир:

— Сизга, онахон, тинчлик керак. Асабингиз чарчаган. Салқинроқ жойда дам олишингиз лозим, — дея маслаҳат берди.

Тобим қочганини эшитиб қишлоққа турмушга чиққан олти болали тунгич қизим Ҳожарой тезда етиб келди.

— Вой, онажоним-а. Нега барвақт хабар бермадингиз? Дарров келиб обкетардим.

— деди у куйиниб. — Биз билан қишлоққа кетасиз. Маза қилиб салқин уйларида дам оласиз. Тинчгина. Хоҳлаган овқатингизни пишириб бераман.

Ҳожархон қизим фарзандларимнинг ичида энг каттаси бўлагани учунми менга жуда меҳрибон. Илоё, уни ёмон куздан узи асрасин. У қуярда-қуймай куёвинининг машинасида уйига олиб кетди. Дарвозадан киришимда худди цирк артистини кутиб олаётгандай мени беш-унта бола чуғурлаб қарши олди.

Қизим каттакон меҳмонхонага қалин курпачалар тўшаб мени ётқизди. Бу пайтда хона турдаги телевизор урсица ва ранглаб гапирар, қўшни хона-

дан эса магнитофоннинг шангилаган овози келар эди.

Бу шовқинлар сира ёқмаётган бўлсада, келасолиб буйруқ бермай деб индамай қузимни юмдим.

Кўп ўтмай қизим овқат сузиб келди. Дастурхон атрофида ўтирган невараларимдан бири:

— Менинг қошигим янги

Хажвия

ОНАЖОНИМГА ТИНЧЛИК КЕРАК

эди. Бер қошигимни! — дея ёнидаги орасига ёпишди. Униси "қошиқни бермайман" дея кескин бурилган эди, оёғи тегиб, коса тула шурва дастурхонга ағдариди. Бунни кўриб қизим шангилаб, ҳар иккаласини тушира кетди. "Мана сенга қошиқ, мана сенга..." Бўлди қиёмат, бўлди қиёмат... Овқат заҳар бўлди.

— Мен бувиларингни бу ерга дам олдиригани обкелганман, ер ютурлар! Яна шундай қилиқ қилганларингни курсам, уриб улдираман. Менинг онамга тинчлик керак, яшшамагулар!

Сунгра қизим менга қараб деди:

— Ойижон, сиз бу зумрашларнинг туполонига парво қил-

бўлаётганлигини сезиб, қизимга дедим:

— Айланай, Ҳожархон қизим, анча тузук бўлиб қолдим. Мени уйимга тезроқ элиб ташланглар. Болалар ҳам қийналиб кетди мени деб.

Уйга қайтиб келгач, икки кунда аҳволим анча яхшиланди. "Ўз уйинг, улан тушагин" деб шуни айтarkanлар-да.

Ҳожар қизим уйига борган барча таниш-билишларига: "Ойижонимга тинчгина жой қилиб бериб, уч кунда соғайтириб юбордим" дебди. Майли-да, боланимнинг меҳрибонлигига гап йўқ, Ишқилиб, мен учун калтак еган болаларнинг куқарган жойлари тезроқ тузалиб кетсин-да.

Ўткир САИДОВ



ҒАЛАТИ ГАПЛАР

- Ҳалоллик билан топилмаган пуллар ҳаром йўлларга қараб талпиниб туради.
- Дунёда кўрқитишга таянмаган бошқарув усули бормикан?
- Бу одам ўздан кетмаслиги мумкин эди. Биз унга кўмаклашдик.
- Ишбилармонлик шу қадар ривожланидики, тadbиркор бўлмаслик уят ишга, иш биладиган одам анқонинг уруғига айланди.
- У табиатидаги инжиқликларни юксак фазилатлар қилиб кўрсатиш "истеъдоди"га эга.
- Шундай башаралар борки, беҳтиёр мушт туширинг келадди.
- У жасорат кўрсатмоқчи бўлиб, кўрқокдан маслаҳат сўради.
- Бу оиланинг лугат бойлиги беш-олтита сўздан иборат бўлиб, уларнинг ҳам аксарияти бошқа тилларга тегишли эди.
- Дунёда табиат мўъжизалари саноксиз, лекин энг ажойиб мўъжиза инсон қалбининг гўзаллигидир.
- Муҳтожлик бошни ҳам қилгани етмагандай, тилни ҳам қисқик қилади.
- Ҳақиқат сўзининг ўзағиёқ унинг илоҳийлигини таъкидлаб турибди.

Ҳамроқул АСҚАР

•Ajab dunyo

БЕТХОВЕННИНГ МУХЛИСИ ЖУДА САҲИЙ ЭКАН

Бетховеннинг бир вараққина қўлёзмаси яқинда кимошди савдосида мисли кўрилмаган нарҳга — 1,8 миллион долларга сотилди. Уз исминини сир тутган харидор бу рекорд нархни 1818 йил санаси битилган нота саҳифаси учун таклиф қилди. Бу машҳур тўққизинчи симфониянинг энг дастлабки қоралама нусхаси экан.

Лондондаги Сотби аукционни ташкилий қўмитаси вакилининг сўзларига қараганда, бу турдаги нодир қимматбаҳо нарсалар савдога ҳар доим ҳам қўйилавермайди. Аммо ташкилотчиларнинг ўзлари мазкур савлодан бу қадар катта пул тушишини тасаввур ҳам қилмаган эканлар.

Экспертлар фикрича, буюк бастакор қўли билан ёзилган бу ноёб хужжат нархи 290 минг доллардан ошмаслиги керак эди. Аммо харидор Бетховен ижодининг шу қадар ашаддий мухлиси экан чамаси, рақобатдан кўрқиб, нодир қўлёзмани қўлга киритиш учун пулни аямаган.

ЛУҚМОНИ ҲАКИМНИНГ МИНГ ЁШИ

Ғадо яна тиланчилик қилиб ноновийниқига келибди. Бу ғалойдиннинг исми Луқмон экан. Нонвой ўша куйган нондан биттасини бериб жўнаптиди. Луқмон куйган нонни еб, ўридан туриши билан ўзида қанлайдир кучли ҳис-туғиғулар пайдо бўлганлигини сезибди. Шундан кейин у нонвойнинг уйига кетма-кет уч кунгача келиб, қолган нонларни ҳам оlib ебди. Луқмон охири куйик нонни еб ташқарига чиқса, осмонда учиб кетаётган бир тўп кабуларлар билан уйининг ёнидаги теракка қўниб оаган чуғурчуқларга кўзи тушибди. Кабуларлар: «Совуғи ошиб кетганлигиндан келиб чиққан фалаж касаллигига дори бўламиз» деса, чуғурчуқлар: «Бизнинг патимиздан тортиб, бутун аъзоимиз нафаси қасдиган беморлар дардида даво-дeлишибди. Қисқаси, Луқмонга ниманики урамасин, ҳар бири қайси хасталикларга даво бўлишини маълум қиларкан. Луқмон узоқ йиллардан бери ичак касаллиги билан ётиб қолган кўшнисини даволамоқ ниятида дори излаб тоққа чиққанида йўлида ураган кўкат ва гиеҳларнинг ҳар бири қандай дарлга даво бўлишларини айтишибди. Луқмон

РИВОЯТ

бу гиеҳлар орасидан «Мен меъда огригига давоман» деганини олиб келиб, кўшнисини даволабди. Бу гапни эшитган бир одам Луқмоннинг олдига келиб, отаси оғир хасталикка дучор бўлгани, кўп табибларга кўрсатганига қарамай соғаймаётганлигини айтибди. Луқмон дори излаб кўп жойларни кезибди. Охири бир мазор ёнида пишиб ётган ўрикнинг: «Мен энг оғир беморга дориман» деганини эшитиб қалибди, дарҳол ўрикдан олиб, ҳалиги беморга оз-оздан едиринди. Касал шифо топиб, бутунлай соғайиб кетди.

Луқмоннинг доврўғини эшитган кишилар уни излаб олиш турлардан келишаверишибди. Шундай қилиб, улус уни Луқмони ҳақим деб атабди. Соғайган кишилар: «Эй парвардигор, сен яратган ўсимликлар билан Луқмон бизларни даволаяпти. Луқмонга камида минг йил умр ато қил» деб илтижо қилишибди. Утлар тилаги ижобатга ўтиб, кўпчилик соғлиги йўлида холис хизмат қилувчи Луқмони ҳақимга минг йил умр берилибди.

— Тўғриси айтсам, почта ишлари бизда яхши йўлга қўйилмаган.

— Нега энди бундай хулосага келдингиз?

— Чунки бундан бир ҳафта аввал хат ёзган эдим. Бугун қарасам, ўша хат хали ҳам чўнтагимда ётибди.

— Жин урсин, мана уч соатдан бери кутяпман, аммо поезднинг дараги йўқ.

— Кўп ҳаяжонланманг, огайни, ахир чиптангиз 24 соатгача яроқли-ку.

Олим сув ости кабелининг иши тўғрисида маъруза қилди. Сўзини тугатган, сўради:

— Қани, кимда қандай саволлар бор?

— Ҳаммаси яхши, — деди аёл ўрнидан туриб, — фақат бир нарсага ташнуолмай турибман. Европадан Америкага телеграммалар қандай қилиб қуруқ ҳолда етказилади?

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ, 3 ЯНВАР, 1-СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН БОШҚОТИРМА ЖАВОБИ.

1. Лицензия. 2. Яблочков. 3. Ватрикс. 4. Попов. 5. Вигит. 6. Трансформатор. 7. Радио. 8. Осциллограф. 9. Фаза. 10. Аттенуатор. 11. Рахимо. 12. Орликон. 13. "НЕК". 14. Киескоп. 15. Пенгол. 16. Детектор. 17. Ретранслятор. 18. Рефлектор. 19. Радиус. 20. Супероритон. 21. Нур. 22. "Рубикон". 23. Наносекунд. 24. Динод. 25. Динистор. 26. Ротор. 27. Резонанс. 28. "Сони" 29. Интернет. 30. Тетрод. 31. Динамик. 32. Коллектор. 33. Рентген. 34. Ноутбук. 35. Конверт. 36. Телеграмма. 37. Аккумулятор. 38. Радиореле.

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир ўринбосари:
Иззат АХМЕДОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Алишер ХУЖАЕВ,
Шўхрат ЖАББОР,
Анатолий КУДИНОВ,
Шодмон ОТАБЕК
(Бош муҳаррир),
Мирғўлат МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35,
А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
Habar@uzapt.uzpak.uz
ИДЕНС: 64600
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасидан 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма №Г-067.
9890 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табақ.
Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБAA АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.

Мониторинг: Тошкент шаҳри, «Вукоп Турро» кўчаси, 41-уй.
Матн терувчи: Д.МАТКУРБОНОВА
Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОВ

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00